

Шаҳидлар хотираси ва қатағон қурбонлари

Тошкент шаҳрида жойлашган "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи мустабид тузум даврида зулм ва тажовуз қурбони бўлган минглаб ватандошларимиз хотирасига кўрсатилган улкан эҳтиромнинг ёрқин ифодасидир. Бундай мўтабар масканларни зиёрат қилиш киши руҳини поклайди, эзгуликнинг абадий экани ҳақида мушоҳада қилишга ундейди.

Бугун "Қишлоқ xo'жалигини механизатсиялаш" факултетининг 4-курс талabalari "Шаҳидлар хотираси" майдони ҳамда "Қатаг'он қурбонлари" музейига ташриф буюришди.

Айни чоғда шундай зиёратгоҳлар ва қадамжолар бугунги тинч ва хотиржам ҳаёт, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир йўқотишлар, синовлар ва машаққатлар эвазига эришганимизни ёш авлодга англатадиган, уларнинг қалби ва онгига миллий истиқлол ғоясини янада чуққуроқ сингдиришга хизмат қиласидиган маънавият ва маърифат ўчоқлариидир.



Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов